Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкаси йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди

## Матбуот анжумани

2021 йил 21 январь



# Инфляция прогнози

*йиллик кўрсаткич, фоизда*



# Инфляциянинг асосий компонентлари

*йиллик кўрсаткич, фоизда*




*ойлик кўрсаткич, фоизда*




**Озиқ-овқат маҳсулотлари** **Ноозиқ-овқат маҳсулотлари** **Хизматлар** **ИНИ**

# Асосий истеъмол нархлари ўзгариши

| Товар ва хизматлар | 2019 йил | | | 2020 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Январь-ноябрь | Декабрь | Январь-декабрь | Январь-ноябрь | Декабрь | Январь-декабрь |
| Умумий индекс | 13.3 | 1.7 | 15.2 | 9.5 | 1.6 | 11.1 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 14.8 | 3.3 | 18.6 | 12.6 | 2.4 | 15.3 |
| Нон маҳсулотлари | 22.8 | 1.7 | 24.8 | 14.2 | 0.9 | 15.2 |
| Гўшт маҳсулотлари | 22.4 | 0.9 | 23.4 | 16.7 | 1.2 | 18.1 |
| Сут маҳсулотлари | 16.0 | 1.8 | 18.1 | 9.7 | 1.6 | 11.5 |
| Тухум | 23.2 | 7.0 | 31.8 | 33.0 | 3.5 | 37.6 |
| Ёғ - мой маҳсулотлари | 7.1 | 0.4 | 7.5 | 24.2 | 2.2 | 27.0 |
| Мева ва сабзавотлар | 0.8 | 13.7 | 14.5 | 4.2 | 7.3 | 11.9 |
| Мева | 8.4 | 12.0 | 21.4 | 11.5 | 4.6 | 16.7 |
| Сабзавотлар | -15.1 | 23.8 | 5.1 | -11.6 | 13.1 | 0.1 |
| Картошка | 7.1 | 4.2 | 11.7 | 37.5 | 3.2 | 42.0 |
| Шакар, чой ва қанд. маҳсулотлари | 10.6 | 0.8 | 11.4 | 10.2 | 1.4 | 11.8 |
| Алкоголсиз ичимликлар | 13.1 | 0.9 | 14.1 | 3.5 | 0.4 | 3.9 |
| Спиртли ичимликлар | 15.1 | 0.5 | 15.7 | 6.8 | 1.1 | 7.9 |
| Умумий овқатланиш | 21.2 | 1.5 | 23.1 | 13.8 | 1.4 | 15.4 |
| Ноозиқ-овқат маҳсулотлари | 10.4 | 0.5 | 10.9 | 7.8 | 0.9 | 8.8 |
| Кийим-кечак | 9.7 | 0.7 | 10.4 | 7.5 | 1.0 | 8.6 |
| Пойабзал | 9.5 | 0.7 | 10.3 | 5.6 | 0.9 | 6.5 |
| Газлама ва тўқимачилик маҳсулотлари | 10.7 | 0.5 | 11.2 | 6.9 | 1.1 | 8.1 |
| Маданий моллар | 12.4 | 0.3 | 12.7 | 5.0 | 0.6 | 5.7 |
| Қурилиш материаллари | 6.9 | 0.4 | 7.3 | 10.9 | 0.3 | 11.2 |
| Дори-дармон воситалари | 6.3 | 0.6 | 6.9 | 12.7 | 0.6 | 13.3 |
| Шахсий гигиена воситалари | 11.6 | 0.4 | 12.0 | 8.0 | 1.1 | 9.2 |
| Тамаки маҳсулотлари | 12.7 | 0.1 | 12.8 | 10.7 | 0.7 | 11.6 |
| Автомобил учун ёқилғи | 21.0 | -0.2 | 20.8 | 4.9 | 2.5 | 7.5 |
| Хизматлар | 14.9 | 0.3 | 15.2 | 6.1 | 0.9 | 7.1 |
| Маиший хизматлар | 17.6 | 1.0 | 18.8 | 11.4 | 2.0 | 13.6 |
| Йўловчи транспорти хизматлари | 12.5 | 0.3 | 12.9 | 10.5 | 0.9 | 11.5 |
| Уй-жой коммунал хизматлари | 17.8 | 0.0 | 17.8 | 1.0 | 0.3 | 1.2 |
| Алоқа хизматлари | 5.2 | 0.0 | 5.2 | 0.5 | 0.1 | 0.5 |

# Жаҳон бозорида озиқ-овқат нархлари ўзгариши



## Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция даражаси




## Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари



## Россияда аҳолининг инфляцион кутилмалари ва сезилган инфляция даражаси




## Қозоғистонда аҳолининг инфляцион кутилмалари ва сезилган инфляция даражаси




- Россия ва Қозоғистонда ҳам аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси ва инфляцион кутилмалар инфляция даражасидан юқори бўлиб, аҳолининг кутилмаларида **миллий валюта алмашув курси таъсири юқорилигидан** далолат беради.

# Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция ва инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари

| Аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси омиллари | 2020 йил | | | | 2020 йил | | | | Тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция даражаси омиллари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | |
| *Доллар курсининг ошиши* | 49 | 56 | 46 | 47 | 42 | 63 | 49 | 52 | *Доллар курсининг ошиши* |
| *Коронавирус таъсири* | - | 76 | 69 | 45 | - | 69 | 63 | 41 | *Коронавирус таъсири* |
| *Монопол нархлар ошиши* | - | 33 | 31 | 29 | - | 37 | 37 | 34 | *Монопол нархлар ошиши* |
| *Мавсумий омиллар* | 26 | 18 | 18 | 26 | 24 | 13 | 18 | 27 | *Мавсумий омиллар* |
| *Айрим товарлар импорти чекланиши* | 15 | 34 | 26 | 22 | 14 | 33 | 27 | 24 | *Айрим товарлар импорти чекланиши* |
| *Рақобат муҳитининг ёмонлашиши* | 13 | 32 | 26 | 20 | 14 | 37 | 29 | 22 | *Рақобат муҳитининг ёмонлашиши* |
| *Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши* | 12 | 35 | 26 | 17 | 11 | 35 | 25 | 19 | *Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши* |
| *Транспорт харажатлари ошиши* | 15 | 16 | 16 | 13 | 22 | 21 | 20 | 15 | *Транспорт харажатлари ошиши* |
| *Солиқ юкининг оширилиши* | 17 | 16 | 8 | 12 | 17 | 15 | 13 | 14 | *Солиқ юкининг оширилиши* |
| *Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши* | 14 | 8 | 9 | 11 | 25 | 2 | 7 | 10 | *Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши* |
| *Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши* | 17 | 3 | 8 | 9 | 8 | 8 | 8 | 9 | *Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши* |
| *Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши* | 8 | 7 | 5 | 8 | 23 | 6 | 6 | 9 | *Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши* |

# Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши



# Асосий прогнозлар







Таҳлилий ҳисоб-китобларга кўра **2021 йилда**:

- Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши **4,5-5,5%** оралиғида бўлиши кутилмоқда *(685-689 трлн.сум)*.
- Йиллик инфляция даражаси **9-10%** атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

# Тўлов баланси жорий операциялар ҳисобварағи

*(млрд. АҚШ доллар)*

| Кўрсаткичлар | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|
| **Жорий операциялар ҳисоби** | **-3,4** | **-3,0** |
| Товарлар баланси | -9,6 | -8,0 |
| Экспорт | 16,9 | 14,4 |
| Импорт | 26,5 | 22,4 |
| Бирламчи даромадлар | 0,7 | -0,18 |
| Иккиламчи даромадлар | 5,5 | 5,2 |

## Трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми *(млн. доллар)*




- 2020 йилда мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми **6,0 млрд.** долларни ташкил этиб, қарийб 2019 йил ҳажмида бўлди. Бунда йилнинг сўнгги 4 ойи давомида пул ўтказмалари ҳажми 2019 йилги кўрсаткичдан юқори бўлди.
- 2021 йил давомида трансчегаравий пул ўтказмаларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **5 фоиз атрофида** бўлиши прогноз қилинмоқда.

# Реал ва номинал самарали алмашув курслари индекси



# Асосий савдо ҳамкорлар миллий валюталари курси

### Туркия лираси




### Россия рубли




### Қозоғистон тенгеси




### Хитой юани



# Асосий савдо ҳамкорлар инфляцияси












# Банклараро пул бозори




- Сўнгги ойларда тижорат банкларининг банклараро пул бозорида фаоллашуви кузатилди. Хусусан, декабрь ойида пул бозоридаги жами амалиётлар ҳажми **8,2 трлн.** сўмни ташкил этди.
- Пул бозоридаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларда ҳам мувозанатлашув кузатилиб, **Марказий банк асосий ставкасига яқин ва фоиз коридори доирасида** шаклланмоқда.

# Банклараро пул бозори




- Пул-кредит сиёсатининг **операцион мақсади** – пул бозорида муддати 14 кунгача бўлган депозитлар бўйича фоиз ставкаларни Марказий банк асосий ставкасига яқин даражада фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлаш вазифаси **IV чорак** давомида ҳам **тўлиқ бажарилди.**

# UZONIA ва UZWIA индекслари




- **UZONIA** – пул бозорида 1 кунлик депозит операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставка; **UZWIA** – пул бозорида 2-7 кунлик депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка. 2020 йилнинг II ярим йиллиги давомида **тўлиқ фоиз коридори доирасида** бўлди.
- Мазкур фоиз индекслари иқтисодиётда **пул нархини** белгилашда **бенчмарк** сифатида фойдаланиш мақсадида **2021 йил 18 январдан** кунлик эълон қилиб борилмоқда.

# Банк тизими ликвидлиги




- 2020 йилда банк тизими ликвидлигининг мувозанатлашуви – **ижобий тафовутнинг қисқариши** кузатилди. Хусусан, банкларнинг вакиллик ҳисобварағининг мажбурий захиралаш ўртачалаш коэффициенти ва чиқим амалиётларини бажариш ҳажмидан ортиқча қисми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан **37,9 фоизга** қисқарди.
- Ижобий тафовут, асосан, **давлат улуши юқори бўлган банкларда** кузатилиб, йирик мижозлар операцияларини ўз вақтида амалга ошириш ва пруденциал нормативларни бажариш мақсадида сақлаб турилди.

## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар




- 2020 йилнинг II ярмида депозитлар номинал фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди: жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича – **20 фоиздан 17 фоизгача**; юридик шахсларники – **17,1 фоиздан 14,4 фоизгача**;
- Бунда инфляция даражасининг пасайиб бориши натижасида депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари ўзгаришсиз (июль ойидан ташқари) қолди.

# Иқтисодиётга кредит қўйилмалари

**Иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўзгариши** *(трлн. сўм)*




**Иқтисодиётга кредит қўйилмалари ва номинал ЯИМ ўсиши** *(баробар)*




- 2020 йил якунлари бўйича иқтисодиётга кредит қўйилмалари **34,3 фоизга** (71,6 трлн. сўмга) кўпайиб **280,4 трлн.** сўмга етди (валюта курси ўзгаришисиз **28,4** фоизлик ўсиш);
- Иқтисодиётга кредит қўйилмалари сўнгги 3 йилда **3,4 баробарга** кўпайган бўлиб, ушбу даврда номинал ЯИМ ўсиши **2,4 баробарни** ташкил этган. Кредитларнинг иқтисодий ўсишга нисбатан юқорироқ суръатда ўсиши, иқтисодиётда қарз юкининг ортиши билан бир қаторда инфляция даражасини оширувчи босим ўтказади.

## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




## Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




- Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар пасайишда давом этиб, декабрь ойида қисқа муддатли кредитлар бўйича **18,4 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **19,1 фоизни** ташкил этди.
- Ўз навбатида, жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалар йил бошидаги **28,1 фоиздан** декабрь ойида **19,8 фоизгача** пасайган бўлса, юридик шахсларники бўйича мос равишда **24,3 фоиздан 18,5 фоизгача** пасайди.

# Марказий банк облигацияларининг 2021 йил I чорак давомида муомалага чиқарилиш календари

| № | Облигацияларнинг муомалага чиқарилиш санаси | Муомалага чиқариладиган облигациялар миқдори *(млрд. сўм)* | Муомалага чиқариладиган облигациялар муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | 06.01.2021 | 200 | 6 ой |
| 2. | 13.01.2021 | 200 | 3 ой |
| 3. | 20.01.2021 | 100 | 3 ой |
| 4. | 03.02.2021 | 100 | 6 ой |
| 5. | 10.02.2021 | 100 | 3 ой |
| 6. | 17.02.2021 | 100 | 1 ой |
| 7. | 03.03.2021 | 100 | 6 ой |
| 8. | 10.03.2021 | 100 | 3 ой |
| 9. | 17.03.2021 | 100 | 1 ой |
| **Жами:** | | **1 100** | |

# Пул-кредит операциялари (аукцион)




- Банк тизими умумий ликвидлигининг қисқариши билан IV чоракда **депозит аукционларига** бўлган талаб қисқариб, **РЕПО ва своп аукционларига** талаб ортиб борди.
- Бунда своп аукционлари **барқарор** ва РЕПО аукционлари **ўсувчи** тенденцияни намоён этди.

# Пул-кредит операциялари (овернайт)




- IV чоракда овернайт депозит операцияларига талаб **кескин қисқариб**, овернайт РЕПО ва своп операцияларига талаб **сезиларли даражада ошди**.
- Бунда ликвидлик ҳажмининг мувозанатлашиши билан декабрь ойида ликвидликни тақдим этиш операцияларига талаб бироз қисқарган бўлсада, юқори даражада сақланиб қолмоқда.

# Хатар ва ноаниқликлар

Инфляциянинг **бир марталик** омилларининг (таклиф билан боғлиқ) вужудга келиш эҳтимоли билан боғлиқ хатарлар

Мавсумий омиллар, рақобат шароитлари ва жаҳон бозори конъюнктураси сабабли **озиқ-овқат товарлари нархининг ошиши**

Асосий озиқ-овқат товарларини экспорт қилувчи мамлакатлар томонидан экспорт қилишда **чекловларнинг киритилиши** ва **тарифларнинг оширилиши**

Хорижий давлатларда эпидемиологик ҳолатнинг ёмонлашиши натижасида **чеклов чораларининг кучайтирилиши** хатари

**Ишлаб чиқариш ва логистика занжирида узилишлар**, товарлар таклифининг қисқариши

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкаси йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди

## Матбуот анжумани

2021 йил 21 январь

